

## **Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Дастури бўйича**

Жорий йилнинг 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Давлатимиз Раҳбари **Шавкат Миромонович Мирзиёев** вилоятимизга ташриф буюриб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, нуронийлар, ёшлар, тадбиркорлар ва фаоллар билан учрашиб, **янги – 2025 йилни Навоий вилояти учун “Алишер Навоий йили”** - деб эълон қилинди ва бу борада қилинадиган вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Ушбу йиғилишда Давлатимиз Раҳбари томонидан жорий йилни қандай якунлаймиз, келгуси йил ва ундан кейинги истиқболдаги вазифалар бўйича **энг устувор йўналишларни** белгилаб бердилар.

Шундан келиб чиқиб, вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг **2025-2029 йилларга мўлжалланган Дастури** ишлаб чиқилди.

Дастурни ишлаб чиқишда “Ўзбекистон - 2030” стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Фармон** ва **Қарорларида ҳамда вилоятга ташрифлари давомида** белгиланган устувор вазифаларга, вилоятимизнинг мавжуд салоҳияти ҳамда ички имконият ва захиралар инобатга олиниб, **аҳоли кайфиятига бевосита таъсир қиладиган долзарб масалаларга** алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги беш йилда **вилоят иқтисодиёти 1,3 баробарга**, аҳоли жон бошига эса ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **1,2 баробарга** оширилди.

**Саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилдаги **65,1 трлн сўмдан** ҳозирга келиб **102,1 трлн сўмга** етказилди, ўсиш **1,3 баробарни** ташкил этди.

**Қурилиш ишлари** ҳажми **3,9 трлн сўмдан 8,7 трлн сўмга**, **қишлоқ хўжалиги** маҳсулотлари ҳажми **11,9 трлн сўмдан 15,1 трлн сўмга**, **хизматлар** ҳажми **5,8 трлн сўмдан 13,8 трлн сўмга** етказилди.

Бундан беш йил олдин **тадбиркорлар сони 15,5 мингтани** ташкил этган бўлса, яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар натижасида бугунга келиб улар сони **1,7 баробарга** ошиб **27,0 мингтани** ташкил этмоқда.

Энг муҳим ишларимиздан бири бўлган **бандлик масаласи** бўйича олиб борилган саъйи-ҳаракатлар натижасида **572,7 минг** та доимий, мавсумий ва вақтинчалик иш ўринлари яратилиб **ишсизлик даражаси 8,8 фоиздан 1,9 фоизга**, **камбағаллик даражаси эса 9,2 фоиздан 5,4 фоизга** туширилди.

Яна бир муҳим йўналиш ҳисобланган иқтисодиётга **инвестицияларни жалб қилиш** бўйича амалий ишлар олиб борилиб, ўтган беш йилда вилоятда қиймати **5,5 млрд долларлик 3 587** та лойиҳалар амалга оширилиб, **50 мингдан зиёд барқарор** янги иш ўринлари яратилди.

Ўзлаштирилган **хорижий инвестиция** ҳажми қарийб **4 баробарга** ошиб, жорий йил якуни билан **600,0 млн долларга** етиши кутилмоқда.

**Мисол учун:**

**“Zarafshon Oyuna” МЧЖ** томонидан қиймати **250 млн. долларлик** йилига **12 млн. м2** шиша листлари ишлаб чиқариш лойиҳаси;

**“Zarafshon industrial technology”** қўшма корхонаси томонидан қиймати **60 млн. долларлик** йиллик қуввати **330 минг тонна** сульфат кислотаси ишлаб чиқариш лойиҳаси;

**“JVContinaz” МЧЖ ҚК** томонидан қиймати **62,5 млн. долларлик** йилига **40 минг тонна** цианит натрий тузлари ишлаб чиқариш лойиҳаси;

**“NAVOI AGROFOS” МЧЖ** корхонасининг қиймати **50 млн. долларлик** йиллик қуввати **80 минг тонна** донадор фосфоритни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси;

**“Uzbekistan Hydrogen Peroxide” МЧЖ ҚК** томонидан қиймати **27 млн. долларлик** йилига **28 минг тонна** водород пероксиди ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилди.

Сўнгги беш йилда **14,5 мингта** хонадондан иборат **252 та** кўп қаватли **уй-жойлар** фойдаланишга топширилиши ҳамда **46,8 мингта** хонадондан иборат **1325 та** кўп қаватли уй-жойлар таъмирланиши натижасида **58 минг** нафардан ортиқ аҳоли янги уй-жойлар билан таъминланди ҳамда **187 минг** нафардан ортиқ аҳолининг уй-жой шароитлари яхшиланди.

**Йўл инфратузилмасини** яхшилаш мақсадида **1,9 трлн сўм** маблағлар ҳисобига **3 464 км** йўлларда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, **226 та** маҳалла ва қишлоқлардаги йўллар ҳолати яхшиланди ҳамда таъмирталаб аҳволдаги йўлларнинг улуши **52 фоиздан 36 фоизга** камайтирилди.

**93 та кўприк ва йўл ўтказгичларда 108 млрд сўмлик** қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

**Электр таъминотини** яхшилаш мақсадида ажратилган **473,8 млрд сўм** маблағ ҳисобига **3 095,2 км** электр узатиш тармоқлари, **3 дона** подстанция ҳамда **790 дона** трансформатор пунктлари янгидан қурилди ва реконструкция қилинди.

**Ичимлик суви таъминоти** бўйича **1 637,7 км** янги ичимлик сув тармоқлари тортилиб, марказлашган ичимлик суви билан қамров даражаси **84,7 фоизга** етказилди.

Ижтимоий соҳага ҳам жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, вилоятда 3-6 ёшли болаларни **мактабгача таълим ташкилотига** қамраб олиш **74,8 фоиздан 84,9 фоизга** етказилди.

Ўтган беш йил давомида **9 та мактаб янгидан қурилиши**, **120 та** мактабда реконструкция ишлари ва **36 та** мактабда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши натижасида **23,5 мингта** янги ўқувчи ўрни яратилди.

**Тиббиёт муассасалари** сони 145 тага кўпайиб **328 тани** ташкил этмоқда, улардаги ўринлар сони эса **3618 тага** етказилди.

2024 йилда вилоятнинг ўзида **156 турдаги** юқори технологик амалиётлар ўтказилиб, бу кўрсаткич **2020 йилга** нисбатан **2 баробарга** ошди.

**Келгуси беш йилда** вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича олдимизда турган **энг муҳим вазифалар**.

Дарҳақиқат, ҳурматли Президентимизнинг вилоятимизга ташрифларида Навоий вилоятининг салоҳияти ва имкониятлари жуда катта эканлигидан келиб чиқиб, олдимизга **катта марраларни** қўйиб бердилар ҳамда бу марраларга эришиш бўйича **барча йўналишларни бирма-бир белгилаб бердилар**.

Шундан келиб чиқиб, биз мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда, келгуси беш йилда вилоятда **ялпи ҳудудий маҳсулот** ҳажмини **1,3 баробарга**, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини **1,4 баробарга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини **1,3 баробарга**, хизмат кўрсатиш ҳажмини **2,2 баробарга**, қурилиш ишлари ҳажмини **1,4 баробарга** оширишни мақсад қилинган.

Ҳисоб-китобларга кўра, аҳолини доимий ва мавсумий ишларда банд қилиш мақсадида **401,8 минг та** иш ўринлари

яратилишини таъминлаш орқали 2029 йилга бориб вилоятимиз “ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантирилади.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш орқали 2029 йил якунига қадар **70,3 минг нафар** аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, вилоят “камбағалликдан ҳолига ҳудуд”га айлантирилади.

*Шу ўринда, Давлатимиз Раҳбари томонидан вилоят фаоллари билан ўтказилган йиғилишда биргина **2025 йилда 16 минг** оилани камбағалликдан чиқариш, **4 та** туман тажрибаси асосида **140 минг нафар** аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар юклатилди.*

Хорижга ишлаш учун кетган **меҳнат мигрантлари** билан суҳбатлар ўтказиш орқали уларнинг **20 минг нафари** яшаш манзилига қайтарилади ҳамда уларга муносиб меҳнат шароитлари яратилиб, бандлиги таъминланади.

Аҳолини **тадбиркорликка жалб қилиш**, молиявий қўллаб-қувватлаш орқали **150 минг** аҳоли банд қилинади.

Шу билан бирга, **оилавий тадбиркорлик дастурлари** доирасида **1,4 трлн сўм** имтиёзли кредитлар ажратилиб, улар ҳисобига **43,9 минг нафардан зиёд** аҳоли бандлиги таъминланади.

Янги қувватларни ишга туширилиши натижасида бугунги кундаги **1 трлн сўмдан** ортиқ **саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқарувчи **7 та** корхоналарнинг сони 2029 йилга бориб **16 тага** етказилади.

Келгуси беш йилда **қурилиш материаллари саноатини** ривожлантириш орқали **1,1 млрд долларлик 455 та** лойиҳалар ишга туширилиши натижасида **8,9 мингта** янги иш ўринлари ҳамда бюджетга қўшимча **254 млрд сўмлик** тушум яратилади.

**Кимё саноатида** ишлаб чиқариш қувватларини **2 баробарга** ошириш орқали ишлаб чиқариш ҳажми **15,0 трлн сўмга**, экспорт ҳажми **5 баробарга** (115,9 млн доллар) ҳамда бюджетга қўшимча тушум **2 баробарга** (450 млрд сўм) оширилиши таъминланади.

Инвестиция дастурлари доирасида умумий қиймати **7,9 млрд долларлик 3 481 та инвестиция лойиҳалари** амалга оширилади.

Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида **4,7 млрд доллар хорижий инвестициялар** ўзлаштирилиши, **1,4 млрд долларлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб экспортга жалб этилиши ҳамда бюджетга **3,1 трлн сўмлик** қўшимча манба яратилиши таъминланади.

Бу борада ҳам Давлатимиз Раҳбарининг ташрифларида биргина 2025 йилнинг ўзида **2,0 млрд долларлик** хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар экспорти улуши қисқартирилиб, чуқур қайта ишланган **кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик, қурилиш материаллари** ва **чарм саноати** маҳсулотлари экспорти ҳажми оширилади.

Экспортчи корхоналар сони **260 тага** етказилиб, янги **15 та** экспорт бозорлари ўзлаштирилади ҳамда **12 турдаги** янги маҳсулотлар экспортга йўналтирилади.

Натижада, экспортни **5 бароварга** ошириш орқали 2029 йилга келиб **1,1 млрд доллар** маҳсулот экспорти амалга оширилади.

Шундан, саноат маҳсулотлари ҳажми **950 млн долларга**, мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми **150 млн долларга** етказилади.

**Саноат зоналаридаги** бўш ер майдонларда келгуси беш йилда **1,4 млрд долларлик 290 та** лойиҳалар амалга оширилиши натижасида **5809 та** янги иш ўринлари яратилади ҳамда **16,9 млн долларлик** қўшимча экспорт ҳажмлари, **4,2 млн долларлик** импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, бюджетга **19,6 млрд сўмлик** қўшимча тушумлар туширилиши таъминланади.

Вилоят аҳолисини уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида келгуси беш йилда **16,5 мингта** хонадонли **214 та** кўп қаватли **уй-жойлар** барпо этилади.

Шунингдек, вилоятимиз марказида **450 гектар** майдонда **“Янги Навоий шаҳарчаси”** қурилиши бошланди. Қурилиш ишлари **3 босқичда** амалга оширилади.

Шаҳарча ҳудудида **552 минг м<sup>2</sup>** уй-жой фонди (*7-25 қаватли, биринчи навбатда 100 та 10 минг хонадонли уйлар*), **3 та** мактаб, **4 та** мактабгача таълим муассасаси, **2 та** олий ва ўрта таълим муассасалари, **2 та** клиника, **2 та** сайилгоҳ, **1 та** гипермаркет, **8 142 м<sup>2</sup>** савдо объектлари, **1 753 ўринли** сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда **8 917 ўринли** автотураргоҳлар қурилади.

Шунингдек, **50 гектар** ер майдонда **“Янги Ўзбекистон”** боғи ташкил этилади.

**“Янги Ўзбекистон боғи”** ҳудудида *рамзий стелла, бобокалонимиз Алишер Навоий хайкали ва меъмуриал музей, 3500 ўринли амфитеатр, олтин кони тарихи ва “Dark ride” кўнгилочар марказидан иборат мажмуа, сунъий кўл ва фоввора, ёпиқ сузиш хавзаси, ёпиқ спорт зал, кутубхона, ресторан ва кафелар, велосипед йўлаги, пиёдалар йўлаги, болалар ўйин майдончалари, ҳунармандчилик устахоналари, томоша терассаси, савдо ва кўнгилочар майдонлар, скейборт майдони, автотураргоҳлар, ўсимлик шоу майдони, йўл ҳаракати машғулоти майдони ташкил этилади.*

**Ичимлик суви таъминотини** яхшилаш бўйича **12** та иншоот ва **397** км ичимлик ва оқава сув тармоғларини қуриш орқали келгуси беш йил давомида сув таъминоти **88,1** фоизгача оширилади.

**Автомобил йўллари**ни яхшилаш мақсадида **2,4** трлн сўм маблағлар ҳисобига **2 640** км узунликдаги умумий фойдаланишдаги ва минтақавий **ички йўллар** ҳамда **124** та **кўприклар** ва йўл ўтказгичлари қурилади ва таъмирланади.

Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги **428** та ижтимоий соҳа объектларига олиб боровчи йўллар ҳолати яхшиланиб, **387,4** минг нафар аҳоли учун қулайликлар яратилади

**Электр таъминотини яхшилаш** бўйича **5137** км электр тармоқлари ва **850** та трансформатор пунктлари ҳамда **43** та подстанциялар янги қурилади ва реконструкция қилинади.

Вилоят бўйича **11,6** км янги **газ тармоқлари** қурилади, **31** дона газ тақсимлаш қурилмалари ҳамда **42,2** км узунликдаги газ тармоқлари таъмирланади.

2025-2029 йилларда аҳоли хонадонларига **3,1** МВт, кўп қаватли уйларга **0,5** МВт, тадбиркорлик субъектларига **13** МВт қуёш панелларини ўрнатиш орқали **4,2** млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

**Энерготехкорлик** бўйича ишлар жадаллаштирилиб, тармоқларни янгилаб, йўқотишларни камайтириш ҳисобига **27** млн кВт соат электр ва **7** млн куб метр газ тежалари.

**279** та ижтимоий соҳа объектларида иситиш тизими ҳамда **10** та иссиқхона хўжаликлари кўмир ёқилғисига ўтказилиб, **36** млн куб метр газ иқтисод қилинишига эришилади.

**Жамоат транспорти** жозибадорлигини ошириш мақсадида **230** та **автобус** ва микроавтобуслар харид



қилинади, **2 та** логистика ва юк ташиш марказлари қурилиб, **23 та** янги йўналиш очилади ҳамда **4 та** автостанция қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилади.

**Ҳурматли фаоллар,**

**800 та** янги нодавлат **мактабгача таълим муассасалари** ташкил этилиб, **35,7 минг нафар** болаларни мактабгача таълимга жалб қилиниши орқали, қамров даражаси **84,9 фоиздан 100 фоизга** етказилади.

**Мактабларда 14,7 мингта** қўшимча ўқувчи ўрни яратилади, нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони ҳозирги **4 тадан 9 тага** етказилади.

**Навоий Давлат Университетида** қиймати **600 млрд сўмлик 12 минг** нафар талабаларга мўлжалланган янги ўқув бинолари (**кампус**) қурилади.

Давлат хусусий шериклик асосида ҳамда олий таълим ўз маблағлари ҳисобидан **2400 ўринли** қўшимча талабалар турар-жойлари барпо этилади.

**21 та тиббиёт муассасаларида** қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланади.

Шунингдек, 2025 йилнинг 1-чорагида **15 та** вилоят муассасалари, 2-чорагида **11 та** туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари **давлат тиббий суғурта тизими**га ўтказилади. Натижада беморларда тиббиёт муассаса ва шифокорни танлаш, оилавий шифокор қабулига электрон навбатга ёзилиш имконияти яратилиб, аҳоли жон бошига молиялаштириш механизми йўлга қўйилади.

**Қишлоқ хўжалиги** тармоқларини ривожлантишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат Раҳбарининг вилоятга ташрифларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида ерлардан унумли фойдаланган ҳолда **пахтачиликда** 100 фоиз Туркия, Хитой **уруғи** ва **технологиясини** олиб келиб, **ҳосилдорлик 70 центнерга** чиқарилади.

Худди шундай, **ғаллачиликда** ҳам илмий ёндашувлар орқали ҳосилдорлик **100 центнерга** етказилади.

Шулар билан бирга, келгуси йилда **20 минг гектар ерлар оборотга** киритилади, сувли ерлар тўлиқ лазерли текисланиб, такрорий экин сифатида 10 минг гектарда **кунгабоқар** етиштирилиши йўлга қўйилади, Хитойдан олимларни жалб қилган ҳолда, **350 минг гектар** яйловга дрон билан иқлимга мос озуқа экинлари, доривор ва зираворлар уруғларини сепилади.

Келгуси беш йилда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида мавжуд **2112 гектар**, шундан **1054 гектар** мевали самарасиз **боғлар** ҳамда **1 058 гектар токзорлар** бузилиб, ўрнига янги замонавий боғлар ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳаларида **1,6 трлн сўмлик** инвестицияларни жалб қилиш орқали **903 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, **6 100 нафар** аҳолининг бандлиги таъминланади.

Шу билан бирга, **1 700 гектар** ер майдонлари **деҳқон хўжаликларини ташкил этиш** учун ажратилиб, **2 200 нафар** аҳоли бандлиги ҳамда **35 минг тонна** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши таъминланади.

Жаҳон банкининг **1,5 млн доллар** кредит маблағлари ҳисобидан **5 та насос станциялари** модернизация қилинади.

Бундан ташқари, **14,4 минг гектар** ер майдонда **сув тежовчи технологиялар** (*6900 гектар ёмғирлатиб суғориш, 7500 гектар*

томчилатиб суғориш) жорий этилиб, **898 км** ариқлар бетонлаштирилади ҳамда **29 млн куб метр** сув иқтисод қилинишига эришилади.

**Туризм соҳаси** бўйича ҳам олдимизга мақсадларни қўйиб олганмиз. Жумладан, 2029 йилга қадар вилоятга жами **1,3 млн. нафар** хорижий ва **11,2 млн нафар** маҳаллий сайёҳлар ташрифи амалга оширилади ҳамда туризм экспорти ва хизмат кўрсатиш ҳажми **325,0 млн долларга** етказилиб, **3,7 баробарга** оширилади.

Хатирчи туманидаги “**Ангидон**” ҳамда Нурота туманидаги “**Чуя**” қишлоқлари “**Туризм қишлоғи**”га айлантирилади.